

ШАРТНОМА № 5

«24» 03 2022 йил

Бағдод тумани

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома **Мактабгача таълим бўлими** (келгуси матнларда «**Харидор**» деб юритилади) низомга асосан фаолият юритувчи номидан раҳбари **О.Зияева** бир томондан, «**Vodiy-Trade**» хусусий корхонаси (келгуси матнларда «**Сотувчи**» деб юритилади) номидан раҳбари **Т.Юнусов** иккинчи томондан куйидаги мазмунда ушбу шартномани туздик:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса тўловни белгиланган тартибда амалга оширганган сўнг қабул қилиш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

Т/Р	НОМИ	Ўлчов бирли ги	миқдо ри	нарни	сумма	К К С		Умумий сумма
						Ставка 15%	сумма	
1	Болалар учун 3 каватли кроват	ШТ	290	894 782	259 486 780	15	38 923 017	298 409 797
2	Болалар учун стул	ШТ	840	85 217	71 582 280	15	10 737 342	82 319 622
3	Стол обеденный школьный	ШТ	210	252 172	52 956 205	15	7 943 431	60 899 636
4	Шкаф для одежды деревянный	ШТ	189	762 700	144 150 300	15	21 622 545	165 772 845
	Жами				528 175 565		79 226 335	607 401 900

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: Олти юз етти миллион тўрт юз бир минг тўққиз юз сўм
(ракамлар, ёзувлар билан)

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан 30 фоиз, махсулот етказиб берилганидан сўнг 70 % миқдорида пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати ўзаро келишилган ҳолда қўшимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 20 кун муддат ичида «Харидор»га етказиб бериш шарт.

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;
- Махсулотлар бозор ва интернетдаги нархларга асосланган ҳолда етказиб берилди. Ўтказилган тафтиш натижасида назорат қилувчи органлар томонидан нархлар юқори деб топилса фарқ сумма сотувчи томонидан қопланади.
- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган махсулотни қайтариб олиб куйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тугрисида билдириш олгандан сўнг, сифатли булмаган мол-мулкни 3 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли булмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини ҳисоб-варақларда тулик ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа курсаткичларини курсати шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда ракамлаб, тулик реквизитларини расмийлаштириш шарт.

6.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда туловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида махсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 10 кун ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.

- Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» «Харидор»нинг олдиндан маблағи бўлган ҳолда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун шартномада кўрсатилган сумманинг 0.5 % миқдорида «Харидор»га пеня тўлайди, лекин пеня миқдори шартнома қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 5 % миқдорида жарима тўлайди.

7.4. «Харидор» олинган товар учун туловни ўз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4 % миқдорда «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.5. Келгусида текширув органлари томонидан махсулот нархи киммат деб топилган тақдирда ўртадаги фарк етказиб берувчи «Сотувчи» томонидан копланди.

7.6. Шартнома Газначилик бўлими томонидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга эга.

VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни 1,5 кун ичида огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

IX. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1 Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаса ҳўжалик суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома “ ” .2022 йилдан -31.12.2022 йилгача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга қиради.

X. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

10.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

10.2. “Истеъмолчи” “Таъминотчи”га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ»

«Х А Р И Д О Р»

«Vodiy-Trade» хусусий корхонаси	Бюртмачи: Бағдод туман мактабгача таълими бўлими
Манзил: Бағдод шаҳарчаси Мустақиллик кучаси -7	Манзили: Бағдод шаҳарчаси Оқ олтин кўчаси
Банк: ТИФ Миллий Банк Кукон филиали	Тел./факс:
МФО: 00545 ОКОНК: 15271	ШХР: 100022860302097091100251038
Х/Р: 20208000104354055001	Бюджетдан маблаг олувчи СТИРи: 305153881
ИНН: 205198662	ОКОНХ:
Тел: 91 144 00 76	Газначилик номи: Бағдод тумани бўйича газначилик булинмаси
	Газна х/в: 23402000300100001010
	Банк номи: Марказий банк Тошкент ш. ББХККМ
	МФО: 00014
	Газначилик СТИРи: 201122919
Раҳбар: Т.Юнусов	Раҳбар: О.Зияева
	Бош ҳисобчи: Х.Абдухалиқов
	М.У



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

- 1. Loyihaning turi** – Shartnoma.
- 2. Loyihaning nomi** – Bag`dod tumani Maktabgacha ta`lim bo`limiga “Vodiy Trade” x/kdan 607.401.900 so`mlik tovarlar etkazib berish to`grisida.
- 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma`lumot** - Bag`dod tumani Maktabgacha ta`lim bo`limi tomonidan ishlab chiqilib, 2022 yil 25 mart kuni taqdim etilgan.

Loyiha O`zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va "Xo`jalik yurituvchi subektlar faoliyatining shartnomaviy - huquqiy bazasi to`g`risida"gi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bag`dod tuman yuridik xizmat
ko`rsatish markazi bosh yuriskonsulti:



E.Botirov